

---

## РАВОН ВА ЧАРОҒОН ЙЎЛЛАР

*Риштон тумани кундан-кунга чирой очиб бораётган барча тумандошларимиз беҳад қувонтирмоқда. Деярли ҳар куни риштонликлар янги бинонинг қурилиши ёки бирор бир янгиликнинг гувоҳига айланишмоқда, десак муболаға бўлмайди. Янги қад ростлаётган бинолар, замонавий кўринишга эга бўлаётган иншоотлар, кенг ва равон йўллар риштонликлар қалбига олам-олам қувон бахш этмоқда.*



Кечалари Фарғона кўчасидан юрган инсон борки, ўзини бошқача ҳис этиши турган гап. Янги ўрнатилган электр ёриткичлар йўлларни чарғон қилиб, йўловчиларнинг мушкулени осон қилиш билан бирга кишининг баҳри дилини очади. Худди ўзингизни шаҳарларда юргандек ҳис этасиз.



Йўлларнинг раволигини айтмайсизки, Риштон чин маънода Республикамизнинг намунали туманлардан бирига айланиб бормоқда. Тез орада туманимиз тубдан ўзгариб, замонавий кўринишга эга бўлишига шубҳа йўқ.

**Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати**

2020-03-12 17:44:35